

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА № 5**

Шароф Рашидов туман

2022 йил «4 февраль

Жиззах вилоят “Перинатал” маркази номидан Низом асосида фаолият юритувчи Муродов Н.Н. (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) бир томондан “Уч тепа Саховати” маҳсус савдо фирмаси номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор Зоҳид Нормуродов (кейинги ўринларда “Аутсорсер” деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани кўйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун шартнома Фазначилик бўлинмаларидан рўйхатга олиб ижрочининг хисоб ракамига умумий кийматнинг 30 фоизи микдорида олдиндан аванс тўлови амалга оширилгандан кейин 1 ой мобайнида 70 фоизи пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини хамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий хужжатлари билан белгиланган санитария-гиёна нормалари ва коидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи била-келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

20 йил «4» септ. дан.

20 йил «4» апрел. гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартиба расмийлаштирилган хисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк хисоб-ракамига пул маблағлари ўtkazgандан сўнг Хизматлар кўrсатилган деб хисобланади.

II. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер кўйидаги хукукларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташки кисмida техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиши;

2.1.4. Кўrсатилган хизматлар учун ўз вактида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўrсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.2. Аутсорсер кўйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, саклаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўrсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария коидалари, нормалари ва игиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига катъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини иккى ой олдин ёзма равишда огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишини таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўrсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўrсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўrсатиш жараёнida Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал килмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вактинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўrсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича конуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, кўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибида ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлоқ коидаларига, шунингдек, ички тартибига риоя килиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўrсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартномa шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

- 2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вактинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда саклани, таъмиралиши, шунингдек, биноларни таъмиралиши;
- 2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли кабул килиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни кабул килиб олиши;
- 2.2.14. Мазкур шартномани бекор килиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;
- 2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини ошириши) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);
- 2.2.16. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қўйидаги хукукларга эга:

- 2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб килиш;
- 2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат килиш;
- 2.3.3. Шартномани бекор килиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равища огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибида тўлаш;
- 2.3.4. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.4. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камидан бир марта Хизматлар ҳакини тўлаши;
- 2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вактинча фойдаланишга бериши;
- 2.4.3. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

- 3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 110500000 (Бир юн миллион беш юз минг) сўмни (15 Кушимча қиймат солиғи билан бирга) ташкил этади.
- 3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги киймати бўйича бир ойда камидан бир марта амалга оширилади.
- 3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.
- 3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибида расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вактдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган микдорда тўланади.
- 3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташабуси билан қайта кўриб чикилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

- 4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вактида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартағ килишдан озод этмайди.
- 4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.
- 4.4. Буюртмачига ҳар чорақда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.
- 4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудид амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

- 5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.
- 5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибида судга кўриб чикиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар кисман ёки түлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар сенгиг бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати хисобланса ва давлатнинг тегишили органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод килинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга суриласди.

VII. Якунловчи коидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларни ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий хисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳукук ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор килингунинг кадар амал қиласди.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Арутсосер»

«Уч тела Саховати» М.С.Ф.

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзили: Ш. Рашидов туман Кулама ҚФ Й
М.Нормуродов кучи
Тел./факс + 998 91 568 77 17

х/р: 20 208 000 404 448 644 001
Банк номи: АТ «Халқ» банк
Уч тела филиали
МФО:00684

СТИР: 205 965 372
ИФУТ: 71150
ОКЭД : 46320

З.Нормуродов

М. Ў.



Ҳукукшунос:

(Ф.И.Ш.)



Гувохнома №

М. Ў.

«Буюртмачи»

Жиззах вилоят «Перинатал» маркази

(буюртмачи номи)

Манзили:

Леопольд ш.

Тел./факс:

ш/х: 1000211660084017578310057001

Ташкилотнинг СТИРи: 200342764
ИФУТ :

Ғазначилик бўлинмаси ёки Ўзбекистон республикаси Молия
Вазирлиги ягона Ғазначилиги

Банк номи: Тошкент ш МБ бош бошкармаси
Я Ф Х : 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош
бошкармаси Ҳисоб – китоб – касса маркази (ХККМ)
МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Буюртмачи

Рахбар: Ҳ. Ў. (имзо)

М. Ў.

Ҳукукшунос:

(Ф.И.Ш.)

ДИЛЕКТА

TYPHOXHOMA

Россия № 623

No. 00657



FAMILY NAME		JAZBENISIÖN RESPUBLİKASI	
NOMURODOV			
		ISHA	
ZOKID			
OTOSHING ISHA			
BOTIROVICH			
TUGLGAN SANASI			
22 05 1970			
BULATI			
Ø'ZBEK			
JIZZAK VILAYATI JIZZAK			
JIZZAK MUNICIPALITY JIZZAK			
TUMANI TIB			
		JAS	
		ERKAK	
SHAXSIY IMZO / HOLDER'S SIGNATURE			

Ташкилий хукукий шакли:

MILITARY HISTORY OF THE UNITED STATES

Почта Манзили:
1708312837

Юрий ШАХЕ КОЛИ:
КЛУБ

TOMASZ WOZNIAK

Солик тұловчининг
и dentifikasiya rakanami:
205965372

Күншімча маңгұлымдар: 02.08.2011 ішіндегі №2-сөзли артылғанда

П. Ваккасов

02.08.2011 йилдагы №2-сонги аризасыга